



2013у.г. «27» август

№ 867-К

Samarqand t, -Самарканд

“Қайнама” қишлоқ фуқаролар йиғини М-37 Самарканд Бухоро Туркманбоши йули ёқасида фуқаро Абдуллаев Кобилга савдо дўкони қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида”

“Қайнама” қишлоқ фуқаролар йиғини “Ўзбеккенти” маҳалласида яшовчи фуқаро Абдуллаев Кобил туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб, Самарканд тумани “Қайнама” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтувчи М-37 “Самарканд- Бухоро-Туркманбоши” автомагистралининг ёқасида бузилишга тушган савдо дукони ўрнига туман ҳокимининг 1997 йил 15 августдаги 394-К сонли қарори асосида хусусий боғ яратиш учун ажратилган ер майдони ҳисобидан савдо дўкони қуриш учун ер майдони ажратишни сўраган.

Юқоридагиларни, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосасини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаъолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” қарорларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “Қайнама” қишлоқ фуқаролар йиғини “Ўзбеккенти” маҳалласида яшовчи фуқаро Абдуллаев Кобилга “Қайнама” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтувчи М-37 “Самарканд- Бухоро-Туркманбоши” автомагистралининг ёқасида туман ҳокимининг 1997 йил 15 августдаги 394-К сонли қарори асосида 0.50 га хусусий боғ яратиш учун ажратилган ер майдони ҳисобидан савдо дўкони қуриш учун 180 м.кв. ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Абдуллаев Кобилга савдо дўконини қуришдан олдиш қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шахарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев